

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2021.I.16.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРКАЕВ АКРОМ НОРМУХАММАДОВИЧ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УДК: 33:005.591.6(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Эркаев Акром Нормухаммадович

Иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини такомиллаштиришнинг назарий
жиҳатлари.....3

Эркаев Акром Нормухаммадович

Теоретические особенности совершенствования структуры экономики.....27

Erkaev Akrom Normukhammadovich

Theoretical aspects of improving the content structure of economics.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....56

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2021.I.16.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРКАЕВ АКРОМ НОРМУХАММАДОВИЧ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.3.PhD/Iqt242 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdju.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларида жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Маматов Аҳметжон Атажанович иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Расулев Алишер Файзиевич иктисодиёт фанлари доктори, профессор Мўминов Нозим Гаппарович иктисодиёт фанлари номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат транспорт университети


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30 Q1 2021.1.16.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «11» 04 кунини соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239 01 49; факс: (99871) 2326992; e-mail: info@tsue.uz


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1121 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239 01 49; факс: (99871) 2326992.

Диссертация автореферати 2022 йил «30» 03 да тарқатилди.
(2022 йил «30» 03 даги 11 рақамли реестр баённомаси.)




Г.К. Абдурахмонова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


Б.Д. Хажиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент


Н.М. Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёни тобора кучайиб бораётгани ва рақамли иқтисодиёт жадал суръатларда ривожланиб бориши, ўз навбатида такрор ишлаб чиқариш тизими ва унинг институционал таркибий тузилмасида туб ўзгаришларни юзага келишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Сифат ўзгаришлари билан бир қаторда инновацион ривожланиш суръатларини жадаллаштириш, капитал ва инсон ресурсларидан янада самарали фойдаланишни шартламоқда. «Жаҳон илмий-техника салоҳиятининг 90% ва глобал юқори технологиялар бозорининг 80% Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)га аъзо бўлган ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда»¹. Бу эса, ҳозирда жаҳонда иқтисодиёт таркибий тузилмасини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг долзарб аҳамият касб этаётганлигини кўрсатмоқда.

Жаҳонда иқтисодиётнинг таркибий тузилмасининг назарий асосларини такомиллаштириш борасида янги технологияларга асосланган такрор ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини ривожлантириш, инновацион иқтисодиёт моделига ўтишнинг илмий-усубий асослари каби йўналишларда кенг тадқиқ этилмоқда. Бу борада иқтисодиёт таркибий тузилмасининг ўзгарувчанлиги, глобаллашув ва ахборотлашувнинг таркибий тузилмага таъсири, коронавирус пандемияси сингари оммавий инқирозга олиб келувчи ҳолатларнинг иқтисодиёт таркибий тузилмасига таъсири, институционал ўзгаришларнинг таркибий трансформациялашув билан боғлиқлиги, янги технологик укладлардаги ўзига хос устуворликларнинг намоён бўлиш шакллари, рақамли иқтисодиёт кўлами кенгайишининг таркибий силжишларга таъсири, ахборот-коммуникацион технологияларнинг жадаллашуви билан вужудга келувчи имкониятлар ва зиддиятлар, таркибий тузилмалар ички ва ташқи нисбатларини оптималлаштириш, иқтисодиёт тузилмасида ички беқарорликни аниқлаш ва бартараф этиш кабилар илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга катта таъсир кўрсатадиган, янги технологик уклад талабларига мос келувчи иқтисодиёт таркибий тузилмасини трансформациялаш, сунъий интеллект ёрдамида ресурсларни оқилона тақсимлаш ва трансакцион харажатларни пасайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Рақамли иқтисодиёт асосий «драйвер» соҳага айлантирилиб, унинг ҳажмини камида 2,5 баробар ошириш белгиланган»². Миллий иқтисодиётда янги технологик укладнинг такрор ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини шакллантириш, юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантириш, билимларнинг жадал равишда инновацион маҳсулотга айланишини рағбатлантириш, мавжуд ресурсларни

¹ UNCTAD Handbook of Statistics 2020. New York and Geneva, 2020.-P. 155.

²Шавкат Мирзиёевнинг Сайловолди дастури.- <https://uzlidep.uz/news-of-party/10076>

кайта тақсимлашга имкон берувчи ваколатли молиялаштириш механизмини яратиш зарурати вужудга келмоқда. Бунинг учун рақамли иқтисодиёт инфратузилмаси бўлган технопарк, тадқиқот ва муҳандислик марказлари асосида инновацион минтақавий кластерларини ривожлантириш бўйича илмий изланишларни янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ. Бу эса миллий иқтисодиёт таркибий тузилмасини такомиллаштиришга бағишланган мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 6 июндаги ПФ-6019-сон «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сон «Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги 526-сон «2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётнинг таркибий тузилмаси фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ва уни трансформация қилиш механизмлари, юқори фан сиғимли технологияларнинг иқтисодий тизимнинг таркибий тузилмасига таъсирини тадқиқ этган хорижлик олимлар қаторида Т.Кун, К.Перес, М.С.Роко, В.С.Бейнбридж, Т.Жотсана, Э.Себастиан, Д.Белл, Й.Шумпетер, С.Кларк, П.Арнолд, Г.Доси³ кабиларни келтириш мумкин.

³Кун Т. Структура научных революций. - М.: Экономика, 1977. - С. 120, Перес К. Технологические революции и финансовый капитал. - М.: Дело, 2011. - 405 с., РосоМ.С., BainbridgeW.S. Converging Technologies forImproving Human Performance: Nanotechnology, Biotechnology, Information Technology and Cognitive Science. -NewYork: Kluwer Academic Publishers, 2003. -P.1. Jyotsana Tanwar. Root coverage by lateral

Россиялик олимлардан Василевский Э., Иноземцев В.Л., Климович М.А., Красильников О.Ю., Кондратьев Н.Д., Буторина О.В., Кравец А.В., Коцюбинский В.А., Татаркин А.И., Романова О.А., Сухарев О.С.⁴ ва бошқалар ушбу мавзуга бағишланган илмий-тадқиқот ишларини олиб борган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан С.С.Гулямов, А.В.Вахабов, А.В.Вахабов, А.Ўлмасов, С.В.Чепель, Х.П.Абулқосимов, Т.С.Расулов, Т.Т.Жўраев, А.А.Маматов, Д.Х.Хасанова ва бошқаларнинг⁵ илмий изланишларида иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини такомиллаштиришнинг назарий жиҳатлари, саноат инқилоби натижасида шаклланаётган янги технологик укладнинг такрор ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини шакллантириш, юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантириш, билимларни бозорда аниқ маҳсулотга жадал узатиш масалалари бўйича атрофлича тадқиқотлар олиб борилган.

pedicle graft: A case report // *Advances in Biomedicine and Pharmacy*. – 2016-08-01. – Т. 03, вып. 04. – С. 212–215. – ISSN 2313-7479., Sebastian Etchemendy. *Models of Economic Liberalization*. – New York: Cambridge University Press, 2011. – ISBN 978-0-511-83522-3., Bell D. *The coming of post-industrial society. Venture in social forecasting*. - N.Y.: Collman Pub., 1973. - 884 p., Шумпетер Й.А. *Теория экономического развития*. - М.: Экспо, 2007. - 400 с., Кларк С. *The conditions of economic progress*. - London, Logan Pub., 1991. - 326 p., Arnold Plant, Colin Clark. *The Conditions of Economic Progress // International Affairs Review Supplement*. – 1940-06. – Т. 19, вып. 1. – С. 36. – ISSN 1473-8112., Davis L., North D. *Institutional Change and American Economic Growth*. - Cambridge, 1971. - Pp. 5-6. Dosi G. *Technological Paradigms and Technological Trajectories // Research Policy*. -1982. -№ 11. - P. 147-162.

⁴ Василевский Э. Структурные сдвиги, динамика и эффективность роста экономики США до 2020 г. // МЭ и МО. 2006. №9. С. 74., Иноземцев В.Л. Современное постиндустриальное общество: природа, противоречия, перспективы: учеб. пособие для студентов вузов. М.: Логос, 2000. С. 59., Климович М. А. Сети как структура развития конвергентных технологий // *Фундаментальные исследования*. - 2017. - № 9. - С. 159., Красильников О. Ю. Структурные сдвиги в экономике. –Саратов: Изд-во СГУ, 2001. - С. 24., Кондратьев Н.Д. *Проблемы экономической динамики*. - М.: Экономика, 1989. - 526 с., Буторина О.В. *Инновационное развитие экономики региона: методика анализа в рамках рекуррентного подхода // Вестник ПГУ. Серия: Экономика*. 2016. № 3 (30). С. 105-119., Кравец А.В. *Инновационная экономика России: проблемы и перспективы экономического роста // Креативная экономика// № 1, 2016. – С. 47-52.*, Коцюбинский В.А. *Методологические подходы сопоставления показателей развития высокотехнологичных секторов России и стран ОЭСР // Инновации*. - 2015. - № 4(198). - С. 2126., Татаркин А.И., Романова О.А. *Промышленная политика и механизм ее реализации: системный подход // Экономика региона*. - 2007. - № 3. - С. 19-31., Сухарев О. С. *Структурная политика в экономике России: условия формирования // Приоритеты России*. - 2014. - № 3 (240). - С. 2-8.

⁵ Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р.. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Ўқув қўлланма. Т.: ТМИ, «Иқтисод-Молия» нашриёти, 2019, Б.47., Вахабов А.В., Бахтиёров Б.Б. Жаҳонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг устувор йўналишлари. «Рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш йўллари» мавзусидаги халқаро онлайн илмий- амалий конференция материаллари., Т.: ТМИ. 2020 й. –Б.16., Вахабов А.В., Бахтиёров Б.Б. Жаҳонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг устувор йўналишлари. «Рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш йўллари» мавзусидаги халқаро онлайн илмий-амалий конференция материаллари., Т.: ТМИ. 2020 й. –Б.16., Ўлмасов А., Вахабов А. *Иқтисодиёт назарияси, Дарслик Иқтисод-Молия*. 2014. – 456 б., Чепель С. *Системный анализ и моделирование перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистана. //Издательство IFMR 2014. – 316 с.* Абулқосимов Х. П, Расулов Т.С. *Особенности научно-технической и инновационной политики стран СНГ, Ближнего и среднего Востока -Т.: «ТашГИВ», 2017. - 380 с.*, Жўраев Т.Т. «Иқтисодиёт назарияси» ўқув қўлланма «Фан ва технология». 2017. - Б.478.; Маматов А.А. *Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотининг таркиби ва унинг ўсиш омиллари. Монография. «Фан ва технологиялар» нашриёти. Тошкент, 2008. -Б.124.*, Хасанова Д.Х. *Институционал ўзгаришлар самарадорлигини ошириш масалалар. «Логистика в иқтисодиёт» журнали. Т. 2020 йил №5 –Б.89.*

Бирок янги саноат инқилобини шаклланиши шароитида юқори фан сиғимли технологияларни миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилмасига таъсирини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштириш ҳамда рақамли иқтисодиёт инфратузилмасини, унинг платформалари ва блокчейн технологияларни, технопарк, тадқиқот ва муҳандислик марказларини, инновацион минтақавий кластерларини ривожлантиришга қаратилган илмий изланишларни олиб боришни тақозо этилмоқда. Ушбу жиҳатлар илмий иш мавзусининг долзарблиги ва муҳимлигини белгилаб беради ҳамда тадқиқот мавзусини танлаш учун асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Гулистон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф-1-80 «Жамият ривожланиши, давлат ва ҳуқуқ назарияси, иқтисодиёт рақобатбардошлиги» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида иқтисодиёт таркибий тузилмасининг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иқтисодиёт таркибий тузилмасини такомиллаштиришнинг моҳияти ва сабаблари, омилларининг концептуал асосларини ўрганиш;

янги технологик инқилоб даврида конвергент технологиялар моҳиятини очиқ бериш ва уни таркибий тузилмавий такомиллаштиришларга таъсирини баҳолаш;

ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги таркибий тузилмавий такомиллаштиришларнинг асосий йўналишларини ёритиб бериш ва бу борадаги тажрибалардан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

глобал технологик ривожланиш контекстида Ўзбекистоннинг экспорт-ҳом-ашё моделидаги номунатосибликларини ва зиддиятларни таҳлил этиш;

миллий иқтисодиётни трансформациялашуви шароитида инвестицион механизмнинг ўзига хос хусусиятлари ва тенденцияларини тадқиқ қилиш;

Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида саноат сиёсатини амалга ошириш тамойиллари ва механизмларининг назарий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида туб технологик модернизациялаш жараёнида таркибий тузилмавий ислоҳот жараёнлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида юқори фан сиғимли технологияларни миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилмасига диффузия қилиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий абстракция, диалектик тадқиқот, индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, монографик

кузатув, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, эксперт баҳолаш, иқтисодий статистик ва эконометрик моделлаштириш усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миллий иқтисодиёт таркибий тузилмасининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ўртасидаги зиддиятли жиҳатларни аниқлаш орқали технологик конвергенциянинг муҳим синергетик диффузияси асосида таркибий тузилмавий сифат ўзгаришлар концепцияси таклиф этилган;

миллий иқтисодиётдаги таркибий номутаносиблик ва унинг технологик тузилмасидаги дегенератив тенденцияларига кўра таркибий тузилма омиллари билан иқтисодиётдаги мавжуд номутаносибликлар ўртасидаги зиддият баҳоланган;

фан ютуқларини кенг талаб қиладиган технологиялардан фойдаланиш давлат саноат сиёсати билан иқтисодиётнинг таркибий тузилмаси ўртасида зарурий мутаносибликни таъминлаш омили сифатида асосланган;

Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ)га сарфланган ялпи ички харажатларни технологик инновациялар ҳамда юқори илм сиғимига эга тармоқлар маҳсулотлари ўсиш суръатларининг ўзаро таъсирини эътиборга олган ҳолда 2030 йилга қадарп рогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

янги саноат инқилоби шароитида таркибий такомиллаштиришларнинг муҳим хусусиятлари, омилларининг мазмуни ва зиддиятлари очиқ берилган;

таркибий конвергенция тушунчаси илмий асосланган, конвергент технологиялар диффузияси шароитида янги турдаги таркибий тузилмавий такомиллаштиришларга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги таркибий такомиллаштиришларнинг ўзига хослигини белгиловчи омиллар аниқланган;

юқори фан сиғимли технологияларни ривожлантиришнинг институционал шарт-шароитлари аниқлиб, саноат сиёсатини амалга ошириш шарт-шароитлари ва механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда илгари сурилган назарий қоидалар ҳамда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, монографик таҳлил ва статистик маълумотлар базасининг расмий манбалардан олинганлиги, муҳим илмий хулосаларни асослашда замонавий эконометрик усуллардан фойдаланилганлиги, эмпирик натижаларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил ва талқин этилганлиги, тегишли хулоса, таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация ишида олинган хулосалар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва тавсиялардан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида юқори фан сиғимли технологияларни иқтисодиётнинг таркибий тузилмасига таъсирини оширишнинг фундаментал

ва амалий жиҳатларини ўрганишнинг илмий-услубий асослари сифатида қўллаш, мазкур йўналишдаги илмий муаммоларни ҳал этишга бағишланган махсус тадқиқот ишлари илмий аппаратини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса диссертация ишининг асосий ғоя ва материалларидан миллий иқтисодиётнинг оптимал нисбатларини ўрнатиш, технологик базани трансформациялаш, таркибий ўсиш, стратегик илмий ва технологик режалаштиришни амалга ошириш механизмлари ҳамда шароитларини ишлаб чиқишга бағишланган турли даражалардаги чора-тадбирлар тизимини, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш, олий ўқув юртларида «Иқтисодиёт назарияси», «Макроиқтисодиёт» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

миллий иқтисодиёт таркибий тузилмасининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ўртасидаги зиддиятли жиҳатларни аниқлаш орқали технологик конвергенциянинг муҳим синергетик диффузияси асосида таклиф этилган таркибий тузилмавий сифат ўзгаришлар концепцияси «Инновацион иқтисодиёт» номли ўқув қўлланмада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сонли буйруғи). Натижада миллий иқтисодиёт таркибий тузилмасининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ўртасидаги зиддиятли жиҳатларни аниқлашнинг илмий-услубий асослари такомиллашиб, технологик конвергенциянинг муҳим синергетик диффузияси асосида таркибий тузилмавий сифат ўзгаришлар рўй беришининг назарий асослари ривожлантирилган;

миллий иқтисодиётдаги таркибий номутаносибликлар ва унинг технологик тузилмасидаги дегенератив тенденцияларни аниқлаш асосида таркибий тузилма омиллари билан иқтисодиётдаги мавжуд номутаносибликлар ўртасидаги зиддиятни баҳолашга оид амалий-услубий ёндашувлардан «Инновацион иқтисодиёт амалий машғулотлар учун» номли ўқув қўлланмада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги 356-сонли буйруғи). Натижада миллий иқтисодиётидаги таркибий номутаносибликлар ва унинг технологик тузилмасидаги дегенератив тенденцияларни аниқлаш асосида таркибий тузилма омиллари билан иқтисодиётдаги мавжуд номутаносибликлар ўртасидаги зиддиятни баҳолаш имкони яратилган;

юқори фан сиғимли технологияларни рағбатлантиришга асосланган давлат саноат сиёсати билан иқтисодиётнинг таркибий тузилмаси ўртасида зарурий мутаносибликни таъминлашга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Иқтисодий тараққиёт ва

камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 20 декабрдаги 02/10-02-10/10-4753-сон маълумотномаси). Натижада юқори фан сиғимли технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш орқали давлат саноат сиёсати билан иқтисодиётнинг таркибий тузилмаси ўртасида зарурий мутаносибликни таъминлаш имконияти яратилган;

ИТТКИга сарфланган ялпи ички харажатларни технологик инновациялар ҳамда юқори илм сиғимига эга тармоқлар маҳсулотлари ўсиш суръатларининг ўзаро таъсири эконометрик модели асосида 2030 йилга қадаришлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Ўзбекистонда инновацион жараёнларни фаоллаштириш орқали барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга оид давлат дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 20 декабрдаги 02/10-02-10/10-4753-сон маълумотномаси). Таклифлардан фойдаланиш натижасида истиқболда ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатининг барқарор юқори ўсиш тенденциясига таъсирини баҳолашнинг аниқлик даражасини оширишга хизмат қилиб, прогноз даврида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг $(1,051^{10} = 1,64)$ 1,65 баробарга ошишига олиб келиши асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп эттирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси акс эттирилган, диссертациянинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ҳамда муҳокама натижалари баён этилган.

Диссертациянинг **«Иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини такомиллаштиришнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида иқтисодиётни таркибий тузилмасини такомиллаштиришнинг моҳияти ва унинг омилларини тадқиқ этишда илмий ёндашувларни очиб бериш, технологик ривожланиш қонуниятлари иқтисодиётдаги таркибий

тузилмавий такомиллаштиришлар асоси сифатида ўрганиш, янги технологик инкилоб даврида конвергент технологиялар тури ва таркибий тузилмавий такомиллаштиришларни чуқур тадқиқ этишга бағишланган.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини иқтисодий категория сифатида ўрганиш А. Смит, Д. Рикардо ва А. Маршаллнинг иқтисодиёт назарияни замонавий талқин этиш тадқиқотлари билан бошланди. Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши муаммоли соҳалари кейнсчилик мактаби вакиллари томонидан ҳам ўрганилиб, иқтисодий ўсишнинг динамик назариясига асос солинди. Дж.М. Кейнс ва унинг издошлари ялпи талабга таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш зарурлигини таъкидладилар.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилмаси ва иқтисодий ўсишни инсон капитали нуқтаи назаридан ўрганган институционализм илмий мактаби вакиллари Г. Беккер, Т.Шульц, И. Фишер, П. Самуэльсон ва бошқалар бу омилнинг иқтисодий ўсишга жисмоний капитал орқали таъсир даражасини аниқлашга ҳаракат қилдилар. Т. Шульц қайд этадики: «инсон капитали жисмоний капиталга таъсир қиладиган даражада, иқтисодий тараққиётнинг калитидир».⁶

«Янги классик мактаб» доирасида институционалист олимлар; Р. Лукас, П. Ромер ва А. Янг томонидан илмий ва технологик тараққиётнинг табиатини ва инновацияларни вужудга келиш сабабларини батафсил таҳлил қилишган. Эндоген ўсишнинг ушбу модели инсон капиталини мамлакат иқтисодий ўсишининг детерминанти деб ҳисоблашди, чунки у иқтисодиётнинг инновацион секторида тўпланиб, технологик ўзгаришлар содир қилади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонида иқтисодиётнинг таркибий тузилиши ва уни трансформациялаш механизмларига оид муаммоларни тадқиқ этишган. Миллий иқтисодиёт, бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган турли ишлаб-чиқариш тармоқлари, соҳалар ва бошқа таркибий тузилмалардан иборат⁷. Ўзбекистон иқтисодиёти таркиби қуйидаги омиллар таъсирида шаклланади; ижтимоий меҳнат тақсимоти, илмий-техника тараққиёти, аҳоли эҳтиёжларининг ўсиши ва мураккаблашуви, бирламчи ишлаб чиқариш ресурсларини қўлами ва чекланганлиги, ташқи иқтисодий омиллар⁸.

Тадқиқот ишида таркибий такомиллаштириш деганда барча таркибий омиллар таъсирида юз берадиган иқтисодий тизим нисбатларининг ўзгариши эканлиги илмий асосланган. Фикримизча, миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш омиллари қаторига инновацион иқтисодиётга ўтиш, илмий-техникавий тараққиёт, мулкчилик муносабатлари ва меҳнат тақсимотидаги ўзгаришлар, ижтимоий эҳтиёжлар тизимининг

⁶Schultz T. The Economic Importance of Human Capital in Modernization // Education Economics. - 1993. - Vol 1. Is. 1. - P. 13 - 19.

⁷Маматов А.А. Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотининг таркиби ва унинг ўсиш омиллари. Монография. «Фан ва технологиялар» нашриёти. Тошкент, 2008.-Б.124.

⁸Ваҳобов А.В. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш-барқарор иқтисодий ўсиш омили сифатида. Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги ва мутаносиблигини мустаҳкамлаш бугунги куннинг устувор вазифаси. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Т. 2019 й. Сентябрь.-Б.6.

ривожланиши, иқтисодиётдаги циклик жараёнлар, глобаллашув жараёнлари ва давлат иқтисодий сиёсати киради. Таркибий ўзгариш иқтисодий категория сифатида фанда муҳим тушунча эмас ва у бошқа жараёнлар: цикллар, тебранишлар, шунингдек, турли эндоген ва экзоген омилларга нисбатан қаралади. Технологик ўзгаришлар жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодиётдаги таркибий такомиллаштиришларни таъминловчи асосий омил бўлиб ҳисобланади. Янги турдаги технологиялар иқтисодиётдаги таркибий тузилмавий такомиллаштиришларнинг тизимли таркибий қисмига айланиб бормоқда.

Диссертацияда иқтисодиётни таркибий тузилмавий такомиллаштиришларнинг бошланғич нуқтаси бўлиб таркибий ўзгаришларнинг аста-секин миқдорий тўпланиши, унинг таркибий элементлари ўртасидаги зиддиятлар аниқланган. Тадқиқот ишида миллий иқтисодиётда рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва унда таркибий тузилмавий такомиллаштиришларида асосий омили юқори фан сиғимли технологиялар эканлиги илмий асосланган.

2025 йилдаги иқтисодий салоҳият (трлн.доллар, йиллик)


№	Технология номи	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	Мобил интернет												
2	Ақлий меҳнатни автоматлаштириш												
3	Буюмлар интернет												
4	Булутли технологиялар												
5	Робототехника												
6	Автоном ҳаракатланувчи воситалар												
7	Илғор геномика												
8	Энергия захираси												
9	Уч-ўлчамли чоп этиш												
10	Материалшунослик												
11	Нефть ва газни қазиб чиқаришнинг янги методлари												
12	Қайта тикланувчи энергия манбаалари												

1-расм. Топ-12 га кирган драйвер технологиялар ва уларнинг 2025 йилга бориб иқтисодий самарадорлик имкониятлари

Диссертацияда технологик конвергенция тушунчаси моҳияти очиб берилиб, рақамли иқтисодиётни шакллантириш унинг муҳим синергетик диффузия қилиш қобилияти ва тизимли таъсир кўрсатадиган тармоқости тамойили ҳамда таркибий конвергенция асосида такрор ишлаб чиқариш жараёнида ижобий сифат ўзгаришига олиб келадиган таркибий тузилмавий ўзгаришлар концепцияси таклиф этилган.

Конвергент технологиялар нано, био, ахборот-когнитив фанларни ва технологияларни ўзаро бир-бирига киришиши ва бир-бирини тўлдириши натижасида синергетик самара сифатида тавсифланиши мумкин. Натижада иқтисодий тизимни илмий ва технологик тараққиётнинг тубдан янги босқичига олиб чиқиши мумкин бўлган синергетик таъсирдир. NBIC конвергенция икки асосий жиҳатлари кўриб чиқилган. Биринчидан, технологик инновацияларнинг пайдо бўлиши ва нанотехнологик миқёсда тадқиқотлар ва ривожланишнинг синергетик интеграцияси туфайли бутун инсоният цивилизациясининг ривожланиш механизмини трансформациясини тўла ўз ичига олади. Иккинчидан, технологик ўзгаришларнинг мумкин бўлган оқибатлари, яъни инсонни ўзини ўзгартириш, такомиллаштириш, унинг фаолият доирасини ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

Тадқиқот ишида технологик конвергенция – таркибий конвергенция жараёнини фаоллаштириш драйвери эканлиги ҳамда конвергент технологияларни иқтисодиёт таркибига диффузиялашдан энг катта синергетик самарага фақатгина тегишли ривожланиш даражасининг технологик асоси мавжуд бўлсагина эришилиши илмий асосланган. Таркибий конвергенция деганда, генезис манбаи-конвергент типдаги технологиялар тушунилади, натижада янги конвергент-технологик асосда такрор ишлаб чиқаришни янги иқтисодий тузилмалар асосини ва охири-оқибатда янги таркибий ўзгаришларнинг шаклланишини рағбатлантиради. Бу жараён қуйидаги расмда келтирилган.



2-расм. Янги турдаги таркибий тузилмавий такомиллаштиришлар схемаси⁹

⁹Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

Диссертациянинг « Миллий иқтисодиёт таркибий тузилмаси тизимида юқори фан сиғимли технологияларни жорий этиш ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида иқтисодиётни таркибий тузилмасини такомиллаштиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибалари ўрганилган, глобал технологик ривожланиш контекстида Ўзбекистоннинг ҳам ашё экспорт модели таҳлили, шунингдек, миллий иқтисодиётнинг рақамли иқтисодиётга трансформациялашуви шароитида инвестицион механизмнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган.

Тадқиқот ишида ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги таркибий тузилмавий такомиллаштиришларнинг асосий йўналишлари тадқиқ этилган ва уларнинг асосий хусусиятлари аниқланган. Биринчидан, моддий ишлаб чиқариш соҳаси ва хизматлар соҳасининг ўзаро нисбатларида туб ўзгаришлар юз берди, айнан эса, хизматлар яратишга нисбатан товарлар ишлаб чиқаришнинг ЯИМдаги улуши пасайди, худди шунга мос тарзда бандлик соҳасида ҳам ўзгаришлар юз келади. Бунда ишлаб чиқарилаётган ва истеъмол қилинаётган товарларнинг ҳажми ўсганлигини айтиб ўтиш лозим.

Диссертацияда миллий иқтисодиётидаги таркибий номуносивликлар ва унинг технологик тузилмасидаги дегенератив тенденциялар сабаблари аниқланган, таркибий тузилмани ҳосил қилувчи омиллар билан иқтисодиётдаги мавжуд номуносивликлар ўртасидаги зиддият иқтисодий тизимнинг ўзига хос хусусияти сифатида баҳоланган ва бу юқори фан сиғимли технологиялар асосида такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва таркибий такомиллаштиришлар учун импульс эканлиги илмий асосланган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси саноатининг тармоқ таркибини ўзгариши 2010-2020 йиллар(% да)


№		2010	2014	2018	2020
1.	Тоғ-кон саноати	26,2	20,1	19,4	17,0
2.	Ишлаб чиқарилган саноат	73,8	79,9	80,6	83,0
А)	Озиқ-овқат саноати	18,0	21,4	15,7	13,5
Б)	Тўқимачилик саноати	14,4	15,1	14,5	14,4
В)	Кимё саноати	6,6	7,9	8,7	6,9
Г)	Фармация саноати	0,5	0,6	0,7	0,8
Д)	Металлургия саноати	8,1	9,6	13,5	22,9
Ж)	Машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш ҳамда таъмирлаш	15,1	18,1	20,2	13,0
З)	Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	10,7	8,5	7,5	11,5

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг илк йилларида, собиқ тизимдан иқтисодиётнинг таркибий тузилмаси мерос қолган. Мустақиллик йилларида, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижасида иқтисодиётнинг саноат тармоғи таркибида катта таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Ўзбекистон

иктисодиёти аграр-индустриал давлатдан, индустриал-аграр давлатга ривожланиб ўтди.

Жадвал маълумотларидан кўринадик, тадқиқ этилган даврда Ўзбекистон Республикаси саноатининг тармоқ таркибида тоғ-кон саноатини улуши 26,2%дан 17,0%га пасайган. Шунга мос равишда ишлаб чиқариш саноатини улуши 73,8%дан 83,0%га ўсган. Саноатнинг тармоқ таркибида металлургия саноатини улуши кескин 8,1%дан 22,4%га ўсиши билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида амалга оширишга оид давлат дастурида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига, унинг рақобатбардошлигини оширишни назарда тутувчи тармоқ дастурлари амалга оширилади. Натижада 2017 йилда ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 1,9 %ни, ўрта-юқори технологияли 21,7%ни, ўрта-қуйи технологияли 27,0 %ни ва қуйи технологияли 49,4% ни ташкил этди.



3-расм. Ўзбекистон Республикаси саноатида юқори, ўрта-юқори, ўрта-қуйи ва қуйи технологиялар тармоқининг улуши

2020 йилга келиб, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида 2017 йилнинг мос даври билан солиштирганда, ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 1,9%ни, ўрта-юқори технологияли – 22,4%, ўрта-қуйи технологияли – 40,1% ва қуйи технологияли эса – 35,6%ни ташкил этди. Бозор ислохотлари шароитида асосий фондларнинг эскириш даражаси жуда суғ даражада камайди: 2010 йилдаги 52,7%дан 2020 йилнинг охирида 41,4%гача. Бундай тенденция асосий фондларнинг янгиланиш коэффициентини тадқиқ этилаётган даврда 17,1%дан 2020 йилда эса, 13,5%га тушиб қолиши ва эскирган асосий

фондларни аҳамиятсиз даражада чиқиб кетиши 2010 йилда 1,1%дан, 2020 йилга келиб, 1,6%ни ташкил қилиши билан боғлиқ бўлиб, ушбу давр мобайнида эскирган асосий фондларни чиқиб кетиш коэффициенти сезиларли даражада ўсмади.

Диссертацияда миллий иқтисодиётидаги таркибий номуносивбликлар ва унинг технологик тузилмасидаги дегенератив тенденциялар ва таркибий тузилмани ҳосил қилувчи омиллар билан иқтисодиётдаги мавжуд номуносивбликлар ўртасидаги зиддиятлар сифатида Ўзбекистонни рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида, унинг асосий фондларининг ҳолати ўртасидаги зиддият очиқ берилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда асосий фондларнинг хизмат қилиш муддати 35 йилдан 10,2 йилгача пасайган. Бу ижобий ҳолат, бироқ бугунги рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида 10 йил ҳам катта муддатни ташкил этмоқда. Чунки жаҳонда рақамли иқтисодиётни ривожланиши натижасида компьютер технологиялар соҳаларида асосий фондларнинг тўла янгилашиш муддати 2-2,5 йилни ташкил қилмоқда.

Тадқиқот ишида таркибий тузилмани ҳосил қилувчи омиллар билан унинг экспорт таркибидаги мавжуд номуносивбликлар аниқланган. Ўзбекистон иқтисодиётига хом ашё экспорт модели хос бўлиб ҳисобланади. 2020 йилга келиб, Ўзбекистон экспорти таркибида Президентимиз ташаббуслари билан ташкил этилган ва ривожлантирилган пахтачилик – тўқимачилик кластерларини тез ривожланиши ҳамда пахта толасига бўлган ички талабни ўсиши натижасида пахта толасининг экспорти тўла тўхтади.

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси экспортининг товар таркиби
2010–2020 йиллар¹⁰**

№		2010	2014	2018	2020
1.	Жами экспорт	100	100	100	100
2.	Пахта толаси	12,1	7,7	1,6	-
3.	Озиқ-овқат маҳсулотлари	9,7	12,4	7,9	9,0
4.	Кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	5,1	4,7	6,5	5,4
5.	Энергия ва нефть маҳсулотлари	22,8	23,0	19,1	4,6
6.	Қора ва рангли металллар	6,9	7,2	8,4	38,6
7.	Машина ва асбоб ускуналар	5,5	4,0	1,5	3,0
8.	Хизматлар	10,2	22,4	21,7	13,2
9.	Бошқалар	27,7	18,6	33,3	26,2

Ўзбекистон Республикаси экспортининг 52%дан кўпроғини хом-ашё маҳсулотлари ташкил этади. Республикада ишлаб чиқарилган машина ва ускуналар импорти 3,0% улуши билан хорижий аналогларига нисбатан рақобатбардош эмас, кимё саноати маҳсулотлари -5,4%, ташкил этди.

Иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларнинг тармоқ таркибининг ўзгариши миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилмасидаги ўзгаришларда ўз аксини топади. Чунки рақамли инновацион иқтисодиётга ўтиш талабидан

¹⁰Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йиллик статистик тўплами. 2010-2018 йиллар. –Б 250., Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 2021 йил. –Б.239.

келиб чиқиб, иқтисодиётда янги инновацион тармоқларнинг пайдо бўлиши, ёқилғи-энергетика мустақиллигига эришиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш инвестициялар таркибини ўзгаришини тақозо этади.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича инвестицияларнинг тармоқ таркибининг ўзгариши (%да)¹¹

	2010 й	2014 й	2018 й	2020 й
Қайта ишлаш саноати	14,2	12,7	20,7	31,1
Тоғ-кон саноати	9,2	18,5	12,9	20,5
Электр, газ билан таъминлаш	5,4	4,5	12,4	5,1
Қишлоқ хўжалиги	10,0	10,2	6,4	8,9
Ахборот ва алоқа	6,5	2,2	1,3	2,4
Қурилиш	1,3	2,1	2,1	3,7
Ташиш ва сақлаш	21,5	11,2	6,8	4,7
Таълим ва маданият	6,4	5,7	5,1	5,2
Соғлиқни сақлаш	1,9	2,4	2,2	2,3
Савдо ва овқатланиш	4,9	5,9	5,5	5,4
Сув билан таъминлаш, канализация	0,7	1,2	2,1	1,8
бошқалар	18,0	23,4	22,5	8,9

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, тадқиқ этилаётган даврда инвестицияларнинг асосий қисми хом-ашё ишлаб чиқарувчи тармоқларга йўналтирилган. 2010 йилда инвестицияларнинг 38,8%и йўналтирилган бўлса, 2020 йилда саноатга йўналтирилган инвестицияларнинг асосий қисми 65,6% хом-ашё ишлаб чиқарувчи тармоқларга йўналтирилган. Унинг 20,5% тоғ-кон саноатига, 31,1% қайта ишлаш саноатига ва 5,1% электр, газ, буғ билан таъминлаш саноатига ва 8,9% қишлоқ хўжалигига тўғри келди. Миллий иқтисодиётда юқори фан сифимли техник-технологик тармоқларни ривожлантиришга олиб келувчи ахборот ва алоқага ялпи инвестицияларнинг улуши 2010 йилда 6,5%дан 2020 йилга келиб, 2,4%гача пасайган.

Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибий тузилмавий тузилишининг динамик хусусиятларини таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

1. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги таркибий тузилмавий тузилиши икки асосий омилга боғлиқ: марказлашган режали иқтисодиёт даврида шаклланган деформацияланган иқтисодиёт таркибий тузилмаси ва Ўзбекистон иқтисодиётининг бозор трансформациясидаги номунасосибликлар.

2. 2005–2020 йиллардаги иқтисодий ўсишнинг жадал суръатларида намоён бўлган таркибий ўзгаришларга хом-ашё, энергия, қора ва рангли металллар бозорида қулай конъюнктура ва яхши инвестицион муҳит натижасида, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киришига туртки бўлган.

¹¹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йиллик статистик тўплами. 2010-2018 йиллар.-Б 229., Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 2021 йил. –Б. 147.

3. Ўзбекистонда миллий иқтисодиётининг мавжуд таркибий тузилмавий нисбатлари ва замонавий технологик детерминантлар ўртасидаги тафовут мавжуд. Бу Ўзбекистонда юқори фан сиғимли технологиялардан кенг фойдаланиш ва иқтисодиётнинг юқори технологияли тармоқларини ривожлантиришни талаб этади.

4. Янги саноат инқилоби шароитида халқаро рақобатнинг кучайиши, таркибий инқирозни чуқурлашуви ва циклик беқарорликни ошиши, экспорт-хом ашё модели доирасида ўсиш имкониятлари чекланади. Амалга оширилаётган жараёнлар саноат ишлаб чиқаришини янги фан сиғимкор юқори технологик асосда ташкил этишни долзарб қилиб кун тартибига қўймоқда.

Диссертациянинг **«Рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини модернизациялашнинг устувор йўналишлари»** деб номланган учинчи бобида миллий иқтисодиётнинг институционал таркибий тузилмасини такомиллаштириш, тармоқли тузилмалар таркибий модернизациялаш асосида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш йўллари фаоллаштириш, юқори фан сиғимли технологияларни иқтисодий ўсишга таъсирини оширишнинг устувор йўналишлари ва истиқболлари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Технологик ривожланиш жараёнлари ва институционал муҳитни трансформацияси ўзаро боғлиқ бўлиб: илмий ва технологик ривожланишнинг юқори суръатлари, тегишли институционал шарт-шароитларни талаб қилади. Институционал тузилмани трансформацияси экзоген, эндоген ва комбинацион омиллар таъсирида содир бўлиши мумкин.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида реал институтларнинг вертуал шаклга эга бўлиш тенденциясини қайд этишни мумкин. Институтларни амалга оширишнинг янги шаклининг кутилаётган ижобий самарасини бюрократик тартибларни соддалаштириш, вақт ва моддий харажатларни камайтиришда ифодалаш мумкин. Институционал иқтисодиёт назарияси доирасида ахборот технологияларининг кенг тарқалиши туфайли электрон институционализм йўналиши шаклланмоқда.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида институционал тузилмани такомиллаштиришнинг асосий йўналишларига қуйидагиларни таклиф этиш мумкин:

янада мослашувчан, адаптив ва инновацияларни қабул қилувчи ташкилот шаклида;

тузилма субъектлари ўртасида горизонтал боғланишларнинг устунлиги; янги институтларни мавжуд тузилмаларга жалб қилиш тезлигини ошириш;

транзаксион харажатларини камайтириш;

вертуал институционал тузилмаларни шакллантириш ва модификациялаш.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги таркибий тузилиши икки омилни натижасида зарурий ўзгаришларнинг моҳиятини белгилайди: янги юқори

технологияли тармоқларни яратиш ва янги технологиялар асосида анъанавий тармоқларни модернизация қилиш, сифат ўзгаришлари билан бирга илмий, технологик, иқтисодий, ижтимоий ва институционал соҳаларда ислохотларни амалга ошириш. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, давлат саноат сиёсатининг асосий вазифаси сифатида самарали институционал тузилмани шакллантиришдир.

